

Ш.И.Салиховни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти этиб тасдиқлаш тўғрисида

Шавкат Исмаилович Салихов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 13 март

Qishloq НАУҚОТ

O'zbekiston
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 33 (7.026). Sotuvda erkin narxda

Куннинг муҳим боқеалари

● Республика Пул-кредит сибсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги туловларни узлуksиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида" 2005 йил 5 август қарори ижроси ҳамда Республика Пул-кредит сибсати комиссияси ваколатига кирувчи бошқа қатор масалалар муҳокама этилди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида" - ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Фаргона вилоятида ижро этилиши юзасидан назорат-таҳлил фаолиятининг якунлари муҳокамага бағишланган йиғилиши бўлди.

● Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Ҳомийлар ва шифокорлар йилида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

● Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан мактаб меъбелари, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер синфлар учун махсус мебеллар ва спорт анжуманлари кўргазмаси очилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Мудрофаа вазирлигининг раҳбар ходимлари, олий ҳарбий билим юрталари, сержантлар тайёрлаш мактаблари ва мудофаа ишлари бўйича бошқармалар бошлиқлари учун ташкил этилган малака ошириш махсус курси очилди.

● Тошкентдаги Марказий шаҳар шифохонасида Экология ва саломатлик қурилиши биринчи босқинчи доирасида тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган олимлар, амалиётчи шифокорлар ва экологлар иштирокида Наврўз байрамига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

● Пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган китоб байрами бўлиб ўтди.



Яқинда Риштон тумани "Миришкор" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. 934 миллион сўм маблағ сарфланган бу мажмуада болалар спортнинг беш тури билан шуғулланиш имкониятига эга. Айни пайтда бу ерда беш юздан ортиқ ёшлар ўзлари севган спорт турлари билан машғул.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ифодаси

Умумхалқ хайрия ҳашарида 14 миллиондан кўпроқ
юртдошларимиз иштирок этди.

Ҳашар ота-боболаримизнинг қадимий ва умрбоқий қадриятларидан. Ушбу бебаҳо аънамининг ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва меҳнатсеварлик каби фазилатлари ўз ифодасини топган. Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бу борадаги қадриятларимиз янгича маъно ва мазмун билан бойитилди. 11-12 март кунлари мамлакатимизда уюшқ-оқлик билан ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида бу яна бир бор намоён бўлди.

Мазкур тадбир халқимизга хос бағрикенглик, саховатлилик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, Наврўзи оламини муносиб қаршилаш, маҳаллалар, қўчалар ва аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш, республика-миздаги санитария-эпидемиологик ҳолатни янада яхшилаш мақсадида ташкил этилди.

Умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича фаолият юритган республика штабидан олинган маълумотларга кўра, мазкур тадбирларда ўн тўрт миллион нафардан зиёд юртдошимиз иштирок этган.

Ҳашарчиларнинг саъй-ҳаракати билан ўттиз минг гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди. Кўплаб зиёратгоҳ, қабристон ва бошқа табарруқ қадамжолар тартибга келтирилиб, минглаб километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланди. Ўттиз беш минг тоннадан кўпроқ чиқинди ташиб кетилди. Қарийб ўттиз миллион туپ манзарали ва мева-дархат ҳамда гул кўчатни ўтказилди. Дов-дархатларга шакл берилиб, оқланди.

Жумладан, пойтахтликлар кундан-кунга чирой очаётган шаҳримиз қиёфасига янада кўрқ қўиш мақсадида барпо этилаётган янги

халқа йўли қурилишида қурувчилар билан ёнма-ён меҳнат қилдилар. Шайхонтоҳур туманидаги Самарқанд дарвоза кўчасида қад-ростлаётган оилавий шифохона бунёдкор-ларига амалий ёрдам кўрсатилди.

Қорақалпоғистонликлар даставвал кўча, хиёбон ва маҳаллаларни чиқиндилардан то-заладилар. Ҳашар ҳар бир қорхона, ташки-лот, муассаса, мактаб ва коллежда кўтаринки руҳда ўтди. Бундай тад-бирларда, айниқса, олий ўқув юр-тларининг талабалари фаол иш-тирок этдилар.

Фаргона вилоятида қўчалар, боғлар ва хиёбонларга қарийб юз минг туپдан кўпроқ гул экилди.

Андижонликлар ҳар бир киши учун икки туپ дархат, халқ таълими фахрийлари эса тўрттадан мева-ли кўчат экиш ташаббуси билан ишладилар. Пахтаободлик фахрийлар эса "Устозлар боғи"га асос солдилар. Беш гек-тар тошлоқ ерга мева-ли дархат экилди.

(Давоми 2-бетда)



Инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

Жорий йилнинг 8 мартида АҚШ Давлат департаменти 2005 йилда дунёнинг 190дан зиёд мамлакатидан инсон ҳуқуқлари борасидаги аҳвол тўғрисида навбатдаги йиллик ҳисоботни эълон қилди.

Қатор мамлакатлар АҚШ Давлат департаментининг ушбу бир ёқлама, сиёсийлашган ва ноҳолис ёндашувини кескин инкор этди. Уларнинг фикрича, бу маҳкама ўзга давлатларнинг камчиликларини танқид қилгани ҳолда, АҚШнинг ўзидаги айти камчиликлар ҳақида лом-мим демаган. Боз устига, жаҳон ҳамжа-минининг бошқа мамлакатларига нисбатан "икки ёқлама стандарт-лар"ни қўллаган.

АҚШ Давлат департаментининг ушбу ҳисоботида жавобан ХХР Дав-лат кенгашининг матбуот девонхо-наси жорий йилнинг 9 мартида "АҚШда инсон ҳуқуқлари - 2005"

ҳисоботини эълон қилди. Бу сўнгги йилларда АҚШда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммоларга бағиш-ланган еттинчи ҳужжат бўлди. Хи-тоининг "Синхуа" ахборот агентли-ги мазкур ҳисобот "Давлат депар-таментининг Хитой шаънига айтил-ган асоссиз айбловларига жавоб" эканлиги ҳақида хабар тарқатди. Хитой томонининг билдирлишича, "Америка ҳукумати аввало АҚШнинг ўзидаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммолар ечимига эътибор қаратиши керак. Американинг бошқа мамлакатларга буйруқ ва фармойиш-лар бериш ҳуқуқи йўқ".

Ҳужжат етти бўлимдан иборат: "Шахс ҳаёти ва ҳавфсизлиги", "Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари соҳасида инсон ҳуқуқларининг пой-мол қилиниши", "Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар", "Иқтисодий, ижтимо-ий ва маданий ҳуқуқлар", "Ирқий камситишлар", "Аёллар ва болалар-

нинг аҳоли", "Америка Қўшма Штат-лари томонидан бошқа мамлакат-ларда инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши".

Хитой томонининг ҳисоботида таъкидланишича, АҚШдаги зўра-вонлик мамлакат фуқаролари учун ҳаёт ва ҳавфсизлик ҳуқуқини кафо-латлаш имконини бермайдди. АҚШ Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, 2004 йилда мамлакатда 5,18 миллиондан зиёд зўравонлик ҳо-лати қайд этилган. Ҳисоботда АҚШ ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари-нинг куч ишлатиши ва инсон ҳуқуқларини поймол қилиши билан боғлиқ фактларни эътиборсиз қол-дирмасликка даъват этилган. Бу мам-лакатда одамларни хуфий кузатиш-лар ва ноқонуний ушлашлар мунта-зам тус олган, Америка қамқоҳона-ларидаги маҳбусларнинг аҳоли фоят оғирлигича қолмоқда.

АҚШда полициянинг зўравонлик-

лари ва ўз ваколатларини суиистеъ-мол қилиш ҳолатлари кўпаймоқда. Масалан, 2005 йилнинг 14 июлида Лос-Анжелес шаҳрида полициячи-лар гумондор шахснинг 19 яшар қизини ўлдирган.

Ҳисоботда қайд этилишича, АҚШ дунёнинг энг бой мамлакати бўла-ни ҳолда, у ердаги қашшоқлик кўрсаткичи ривожланган давлатлар орасида энг юқоридир.

ХХР ҳисоботида кўра, ўзини "де-мократия намунаси" деб ҳисоблай-диган АҚШда демократия "капитал-нинг малайига айланган". Аслида АҚШдаги "демократия" сайловлар қўмисларнинг рақобати-дан ўзга нарса эмас: Нью-Йорк мэри Майкл Блумберг 2005 йилнинг ноябрида сайловда иккинчи бор ғалаба қозо-ниш учун умумий ҳисобда 77,89 мил-лион доллар сарфлади. Шу тарика, бу тадбир АҚШ тарихидаги энг сер-харажат мэр сайлови бўлиб қолди.

Бундан ташқари, ҳисоботда "АҚШнинг бошқа давлатларга нис-батан амалга оширган босқинчи-ликлари ҳамда уларнинг иншоот-ларига берган ҳарбий зарбалари чоғида тинч аҳоли орасида кўплаб беғунох одамлар ўлдирилгани" тўғрисидаги фактлар ҳам келтири-лади. Жумладан, "2003 йилда аме-рикалик ҳарбийлар Ироққа бости-риб кирганидан кейин ўтган давр мобайнида ушбу мамлакатда ҳалок бўлган фуқаролар сони 100 минг-га етгани, уларнинг ақсариятини аёллар ва болалар ташкил этиши" қайд қилинади.

Ҳисоботнинг якуний қисмида Америка ҳукумати "ўз мамлакатид-аги инсон ҳуқуқлари муаммолар-ига очиқ кўз билан қараш ва бу борадаги аҳолини яхшилаш учун амалий чоралар кўриш"га даъват этилади.

(Давоми 2-бетда)

Атиги юз сатр

"Дустим, "семе-стр" бошланди. Нима қилсам экан? Баҳо-ларни қандай тўғриласа бўларкин? Ак-сига олиб, шу фаннинг домласим "дахшат", ҳеч қандай гап-сўзга ўрин қолдирмайди, - дея бири иккинчисига дардини ёрди.

Китоб қачон ўқилади?

-Нима қилардинг. Домла шундай экан, жила курси, шу домланинг фанидан ўйсан. Бошқа иложинг йўқ.

-Энди кунимиз кутубхона-да ўтаркан-да. Китобнинг чан-гини қўқиб...

Бундан бир мuddат олдин, автобусда ишга келаётиб икки талабанинг ушбу суҳбатини эшитарканман, хаёлимдан тур-ли ўйлар ўтди: Талабалардан мақсад нима? Соҳасининг пух-та билимдонини, етук мутахассис бўлиш ва шу орқали жамиятга наф келтиришми ё бошқа? Ўзи китоб қачон ўқилади?

Яна ҳам ажабланирлиси, та-лабаларнинг қўлида айти им-тихону синовлар бошлангаётган пайтда рейтинг дафтарчасидан бошқа на дафтар, на китоб бор эди.


Энди ўйланг, ўз фанидан ўзлаштирган билиминини тала-бадан талаб қилган ўқитувчи-нинг шартлари нотиғрими? Ҳолбуки, ўқитувчининг истаги ўз шогирдларини, лоқал манша шу пайтда бўлса-да, ки-тоб очиб қўриш ва шу баҳона-да кутубхонага ундашдан бошқа нарса эмас. Дарвоқе, кутубхона ҳусусида икки оғиз сўз. Ахир одатда талабаю ўқу-вчининг, илм кишинининг асо-сий ҳаққори бўлмоғи даркор бу маскан. Шу маънода у ха-миша илм истовчилар билан га-в-жум бўлиши лозим. Бирок...

Кутубхонада ёшларимиз-нинг фаоллиги асосан мана шундай имтиҳонлар даврида-гина бироз ошади. Бошқа даврларда эса, афсуски, бу фикримни дадил айти олма-май, дейди менга таниш ку-тубхона ходимларидан бири. -Келганлари ҳам китоблардан фақат керакли маълумотлар-ни конспект учун қўйириша-ди, холос. Ўрганишга, синчи-лаб ўқишга тоқатлари етиш-майди. Лекин кўнгилга таскин берадиган ҳижат, доимий ми-жозларимиз ҳам йўқ эмас...

Албатта, бировни китоб ўқишга минг даъват этганим билан унинг ўзида интилиш бўлмаси, фойдаси. Китоб ўқиш ижтимоий ахтир. Лекин, назаримизда, айти даъда бу каби ишларга жиддий эътибор бе-рилса, фойдалан холи бўлмай-ди. Ва, энг муҳими, шу орқали ёш авлодни китобга янада яқинлаштириш мумкин. Зеро, китоб ҳазина. Ҳазинаки, ундан олинган билимни ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмайди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ

Дунё полвонлари Тошкентда беллашди



Жараён

Бозорларимизга йилнинг қайси фасли-да тушман, излаган нарсангизни топасиз. Мева-сабзавот, зира-вор-кўкат дейсизми, бари муҳайб. Ҳатто ки-шининг аёзига ҳам ёз неъматлари муаммо эмас. Лекин биз эндигина узби олинган помидор, бодиринг-нинг қаердан келаётгани ҳақида кўп ҳам ўйлаб ўтирмай-

Иссиқхона қандай бўлиши керак?

миз.

Табиийки, бу маҳсулотлар деҳқонларимизнинг тадбир-корона меҳнатлари эвазига иссиқхоналарда етиштирил-моқда.

- 25 йилдан буён иссиқхо-нада ишламан, - дейди зан-гиоталик кекса деҳқон Абду-воҳид Зоҳидов. - Соҳанинг машаққатиниям, роҳатиниям кўрамиз.

(Давоми 2-бетда)

Чигит экишга тайёрмисиз?

Кўкламги экин-тикин ишлари бошланди. Эрта-индин ерга чигит тушади. Шундай экан, чигит қадаш-га деҳқонларимиз тайёрми? Мўл ҳосилга муносиб та-мал тоши қўйилмаптими?

"Ўзгидромет" марказидан олинган маълумотларга қараган-да, чигит экиладиган ерларда ўтган йилга нисбатан кам нам тупланганлиги кузатишмоқда. Хўш, бундай шароитда ерлар-ни кўкламги экиш мавсумига тайёрлашда нималарга эъти-бор бермоқ зарур?

Ерни экин-ти-киш билан боғлиқ та-д-бир-лар-ни аввало, ташкилий белгилаб, барча механизмларни гуруҳларга ажратган ҳолда оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда. Айниқса, жайдов тракторлари бир гуруҳга жамланиб, узлуksиз иш графиги ташкил этиш, яъни тунги вақтларда ерлар тайёрланиб, кун-дуз кунлари чигит экиш агрегатлари бeтхоту ишларлари учун шароит яратиш бeриш лoзим. Чунки бир ҳудуддаги, дей-лик 40-50 гектарлик майдон бир кеча-кундузда экишга ҳoзирланиб, ўша кун чигит қадалса, ниҳолни ернинг таби-ий намлиги билан ундириб олиш имкони яратилади. Бу жа-раёнда ерларни бороналаш, чизеллаш, жорий текислаш каби бир қатор агротехник тадбирларни тез ва сифатли ўтказиш ҳам талаб этилади.

(Давоми 2-бетда)

Миллий ҳамда четда валютасида барча банк хизматлари Сизнинг мувофажиятигиз учун! "Панна-Банк" - фаровонқилинган бахитлиқ

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Россия Федерацияси "ГАЗ" марказининг
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКСКЛЮЗИВ
ДИСТРИБЬЮТЕРИ -
AVTODOM plus компанияси

50 хилдан зиёд автомобиль,
микроавтобус, юк ва махсус
автотранспортларни, жумладан,
автофурголар, ёниги ва сут
ташиладиган автоцистерналарни сотади

ХАҚ Тўлаш — инсталган усулда!



Маҳсулотлар
сертификатланган



"ГАЗ-3309" (турбодизель) русумли
автомашинида 4,5 тонна юк ортлади.

"ГАЗ-330232-Фермер" русумли автомашини
6 ўринли бўлиб, 1,5 тонна юк кўтаради.

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГ АСОСИДА СОТИБ ОЛИШ ҲАМ МУМКИН!

Манзил: Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16- уй.

Тел.: (998-71) 132-10-35; 132-12-01; 132-03-62; 126-12-94.



Инсон ҳуқуқлари масаласидаги икки ёқлама стандартлар ҳусусида

(Боши 1-бетда)

Венесуэла вице-президенти Х.Ранхел АҚШ Давлат департаменти эълон қилган ҳисоботга муносабат билдира экан, «Вашингтон бирон бир мамлакат-да инсон ҳуқуқлари борасидаги аҳвол-ни танқид қилишга ҳақли эмас», деб айтди. У маҳаллий телевидение орқали баёнот бериб, «айнан АҚШ маъмурияти бутун ер юзиди инсон ҳуқуқларини пой-мол этаётган энг йирик коррупцион мар-каз» эканлигини таъкидлади.

Вьетнам Социалистик Республикаси-даги ҳуқуқдор партиянинг матбуот орга-ни булган «Нян зан» газетаси ҳисобот-ни «Вьетнамда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш борасидаги хато, бир ёқлама ва ҳақиқатдан жуда йироқ» ҳужжат, дея ба-ҳоллади.

Россия Федерацияси Ташқи ишлар

риоя этилишига ёндашув борасида очик-дан-очиқ икки ёқлама стандартларнинг ўзига хос намунаси» эканлигини таъкид-лайди. Россия ташқи сиёсат маҳкамаси расмий вакили М.Камининнинг фикри-ча, «бу каби ноҳолис ҳисоботлар Рос-сия жамоатчилиги орасида АҚШнинг Россияга нисбатан сиёсати янглиш сиё-сат экан, деган фикр туғдиради ва Аме-рика жамиятида русларга қарши кайфият уйғотишга хизмат қилади».

Россия томони шуни ҳам қайд эта-дики, «ҳисоботда икки ёқлама стандар-тлар қўлланилганини, бир жиҳатдан, АҚШнинг ўзида инсон ҳуқуқлари пой-мол қилинаётгани ва бу ҳақда нуфузли халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкил-отлари тобора кўп бонг ураётгани, бошқа жиҳатдан эса – Афғонистон ва Ироқда гуманитар ҳуқуқнинг умумэътироф этил-ган мезъорларини назар-писанд қилмас-лик ҳолатларининг мавжудлиги ва бун-да Америка Қўшма Штатларининг бево-сита қўли борлиги исботлайди». Рос-сия Федерацияси Ташқи ишлар вази-р

лиги «инсон ҳуқуқларига риоя этиш бо-расида идеал мамлакатнинг ўзи йўқ, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ комис-сиясининг иши натижалари ҳам шундан далолат беради ва бу таъкид Америка Қўшма Штатларига ҳам бирдек тегиш-лидир», деб ҳисоблайди.

АҚШ Давлат департаментининг ҳис-оботида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари риоя этиш борасидаги ҳақиқий аҳвол-га мутлақо тўғри келмайдиган асоссиз бўхтон ва ёлғонлар ҳам кўп. Америка ташқи сиёсат маҳкамаси ҳар йили ўзгаларнинг тирноқлари орасидан кир қидиради, «ававал ўзингга бок» деган нақлға амал қилмасдан, сийқаси чиққан гапларни такрорлаб, пашшадан фил яради. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари-га риоя қилинишига берилган баҳо ҳам «икки ёқлама стандартлар» сиёсатидан, мамлакатимиз шаънига доғ тушириш учун қилинаётган беҳуда чиранишдан бошқа нарса эмас.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Хабарлар

“Ташаббус-2006” вилоят босқичи

Президент соврини унун ўтказилаётган “Та-шаббус-2006” кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи ғолиб-лари аниқланди.

Унда Нишон туманидаги “Ўқжаер ота” фермер хўжали-ги раиси Тўра Раҳмонов «энг яхши фермер», шаҳрисабз-лик каштадўз Гулнора Одило-ва «энг яхши хўнарамда», ки-тоблик ишбилармон Йўлдош Турсунов, «энг яхши табдир-кор» йўналиши бўйича ғолиб-ликни эгалладилар. Улар ки-матбаҳо совғалар ҳамда фах-рий ёрлиқлар билан тақдир-ландилар.

Ф.БОЗОРОВ

Термиз шаҳрида “Та-шаббус – 2006” кўрик-танловининг вилоят бос-қичи бўлиб ўтди. Унда асосан учта – “Энг яхши табдиркор”, “Энг яхши фермер”, “Энг яхши хўнарамда” йўналиш-лари бўйича туман ғолиб-лари иштирок этдилар.

“Ташаббус – 2006” вилоят кўригига қўйилган минг тур-ли махсулотлар барчада хат-та қизиқиш уйғотди. Уларда вилоят фермерию хўнар-мандлари, табдиркорларнинг эришавган муваффақиятла-ри яққол кўзга ташланди. Кат-нашчилар бу йилги “Ташаб-бус – 2006” кўриги ҳар йил-дагидан-да яхшироқ ташкил этилганлигини таъкидлашди.

Шу боисдан танлов ниятда қизгин ўтди. Яқиний натижа-ларга кўра, “Сурхон воҳаси” (Термиз тумани) фермер хўжалиги бошлиғи Рисолат Маматқулова, деновлик таб-диркор Амри Нарзуллаев ва бойсунлик хўнараманд Ўғил-бахт Суюновлар ғолиб, деб топилди. Улар 1-даражали дипломлар билан тақдирлан-ди ва республика кўрик-тан-ловида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритдилар.

Табдирда вилоят ҳокими А.Эшмуродов иштирок этди.

М. Олломурад

Тарих сари юзланиб

ЮНЕСКО билан ўрна-тилган ҳамкорлик туфай-ли Бухоро, Самарқанд, Термиз каби қадимий шаҳарларимизнинг 2500 йиллик тўйлари, соҳиб-қирон Амир Темурининг 660 йиллик юбилейи халқаро миқёсда кенг ни-шонланганда.

Кейинчалик ЮНЕСКО ишти-рокида ташкил этилган “Амир Тему-р” илмий экспедицияси томонидан бир қанча илмий-икодий сафарлар уюштири-либ, бой далоили ашёвий ҳуж-жатлар йиғилди, ўрганилган манбалар бўйича 80 дан ортқ илмий лойиҳа, рисола ҳамда китоблар чоп этилди. 20 дан ортқ видеофильм ишланди.

Маълумки, жорий йилда Амир Тему-р ҳазратларининг 670 йиллик юбилейи ва Қар-ши шаҳрининг 2700 йиллиги кенг миқёсда нишонланганда. Шу муносабат билан ҳозирги қандаг экспедиция томонидан ўрганилган тажрибалар асоси-да анжуманлар, танловлар ўтказиш, илмий-оммабон филь-млар тайёрлаш каби ишлар бoшлaб юрилган.

Келгусида халқаро ҳамкор-ликни янада ривожлантириб, Хитой ва Ҳиндистонга Амир Тему-р излари бўйлаб сафар-лар таъкил этиш ва мазкур са-фарларда ўли тарихимизнинг ўрганилмаган қирраларини очиш экспедицияси олдида-ги мақсадлардандир.

Мардон ТУРСУНҚУЛОВ,
“Амир Тему-р” халқаро илмий экспедицияси директори.



Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ифодаси

(Боши 1-бетда)

Юртимизда давом этаётган ободонлашти-риш ва қўлаландириш ишлари ойлғи даво-мида туманда ўн саккизта ана шундай бог ташкил этиш режалаштирилган.

“Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларини ўтказишга қизгин ҳозирлик қўрилаётган Қар-ши шаҳрида тегишли иншоотлар қурилишида ёшлар ўрнат қўриштирилди. Шаҳрисабз-ликлар эса соҳибқирон Амир Темурининг 670 йиллик юбилейига муносиб совға ҳозирлаш мақсадида юбилей иншоотларида кенг қўла-ми ободонлаштириш ишларини бажардилар.

Бухороликлар қарийб 80 гектарли Хотира майдони, Самарқанд-Бухоро йўлида янги кўприк ва магистрал йўли қурилишида қурув-чиларга яқиндан қўмақлашдилар.

Эзгу айёмлар арафасида қўмакча муҳтож-лар, яққа-ёлғиз қариялар ва боқувчининг йўқотганлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш

халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Хашар кунлари бу анъанга алоҳида эътибор қаратилади. Меҳр-муруватга муҳтож ана шун-дай инсонларга тўрт юз миллион сўмдан кўпроқ хайрия ёрдами қўрсатилди.

Хашар кун ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи “Маҳалла” хайрия жағмармаси ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу маблаг маҳаллалар-ни ободонлаштириш ва уларнинг инфрату-зилмасини ривожлантириш, иктимой ҳимоя-га муҳтожларни қўллаб-қувватлаш меҳрибон-лик, савоҳат, муруват уйлари ва бошқа ик-тисослаштирилган муассасаларнинг моддий-техника базасини яхшилашга сарфланади.

Халқимизнинг азалий айёми – Наврўз ара-фасида ўтган бу умумхалқ хашари мамлака-тимизнинг барча вилоятларида, туман ва ша-ҳарларида, маҳалла ва қишлоқларида бунёд-корлик ва меҳнат байрамига айланиб жетди.

(ЎзА)

Қашқадарё томонларда

Янги қўшма корхона

Қарши шаҳрида Жану-бий корейлик ишбилар-монлар билан ҳамкорлик-да қўшма корхона ташкил этилди.

“Ал-Азиз-Гарант” номи билан аталувчи мазкур қўшма кор-хона илгари асосан музқаймоқ ишлаб чиқаришга иктисослаш-ган “Ал-Азиз Мурод” ММҲ ҳамда Жанубий Корейнинг “Дехан Трайден” компанияси томони-дан таъсис этилди.

Янги қўшма корхонанинг Низом жағмармаси 152 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, унинг қарийб 70 фоизи Ўзе-бистон вакили, 30 фоиздан ор-тироғи эса Жанубий корей-лик ширкиннинг маблаг ҳисо-бидан шакллантирилган. Қўшма корхонада турли хил-даги полиэтилен махсулотла-ри ишлаб чиқариш мўлжал-ланмоқда.

Иш жойлари топилди

Муборак туманида бўш иш ўринлари кўргазмаси ўтказилди. Унда 168 нафар фуқаро ўз мутахассислиги ҳамда қобилиятига қараб иш таллаш ниқо-ниятига эга бўлишди.

Улар асосан ямарқада бўш иш ўринлари билан иштирок этган “Муборакнефтьгаз” уни-тер корхонаси, Муборак газ-ни қайта ишлаш заводи, “Қашқадарёнефтьгазқурилиш” ОАЖнинг вакилиги, туман халқ таълими бўлими ва бошқа корхона ҳамда ташки-лотларда фаолият қўрсатади-ган бўлишди.

Фахриддин БОЗОРОВ,

“Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

Бойитилган

ош тузи

“Учқудуксавдо” акция-дорлик жамияти Шалхар кўргони атрофидаги хомаш – тузини қайта ишлаб, савдога чиқаришига киришди.

Бунинг учун зарур ускуна-лар олиб келиб ўрнатилди. Эн-дигилча савдо шохобчаларига “Учқудуксавдо” АЖнинг йод моддаси билан бойитилган ош тузи етказиб берилади.

А.ХАСАНОВ

Чигит экишга тайёрмисиз?

(Боши 1-бетда)

Эрта баҳорда ер этилиши билан тупроқ-даги намликни сақлаб қолиш, бегона ўтлар-нинг ўсишига йўл қўймаслик, шунингдек ер юзасини текислаш мақсадида пайкаллар икки қатор қилиб жойлаштирилган бороналлар ёрдамида юмшатилади. Негадир, бу муҳим тадбирга аҳамиятсиз, деган назарда қарайди-ганлар ҳам йўқ эмас. Аслида бороналаш ўта нозик ишлар сирасига кириди. Яъни, тупроқнинг 8-10 см юза қатлами этилиши биланок ушбу ишга киришилиб, тезда тугал-лаш лозим. Тажрибадан аёнки, бу юмуш му-датидан барвақт ўтказилса ҳам қўтилган са-марани бермайди. Негаки, бороналаш туп-роғи сернам, ҳали этилмаган майдонларда ўтказилса, пайкал юзасида 5-7 см ғўраша туп-роқ пайдо қилади. Пастки қисмида эса берч-(пахса) ҳосил бўлиб қолади. Бу ниҳолнинг ривожига салбий таъсир ўтказмай қолмайди. Аниқроғи, бундай номақбул иш тутиш оқиб-атида пахта ҳосилдорлиги 5-8 центнерга ка-майиб кетади. Бороналаш кечикса-чи? Бу ҳам эйён. Чунки тупроқнинг табиий нами йўқо-лиши (оқибат қўшимча харажат қилинади – сув берилади), боз устига структураси бузи-лиши, энг ачинарлики, қўчатлар сийрак бўлиб, пировардида ҳосил йўқотилишига олиб қолади.

Бороналаш Т-4А, ВТ-150 каби занжирли тракторлар ва кенг қамровли тиркамалар асо-сида тузилган агрегатлар асосида амалга оши-рилганда тупроқ ортиқча зичланмайди, иш унумдорлиги юқори бўлади. Бироқ гилди-ракли тракторлардан фойдаланиш зарур бўлиб қолса-чи? Бундай тақдирда уларнинг орқасига гилдираклар изини юмшатадиган қўрилмалар ўрнатиш талаб этилади. Пушта, жуёқ олинган далаларни бороналашда чопиқ тракторларига осиладиган бороналардан фой-даланиш яхши самара беради. Чунки бунда пушта ва жуёқлар тракторлар томонидан эзли-майди.

Пушта олинмаган далаларда эса борона-лаш агрегатларининг диагональ бўйлаб ёки диагональ-қирқма усулда ҳаракатланиши туп-роқнинг кўнғилдагидай майдаланиши ҳамда дала юзасининг яхши текисланишини таъ-минлайди.

Шури ювилган, яҳоб суви берилган да-лаларда эрта баҳорда ўтказилган бороналаш қўтилган натижани бермайди. Сабаби, юқори-даги амал туфайли тупроқнинг ҳайдов қат-лами айнайи зичлашиб қолади. Шунинг учун бундай майдонлар чизелланади. Бу табдир ҳам тупроқдаги намлик мейёрда бўлганда амалга оширилса, яхши самара беради. Бун-да ерлар ЧКУ-4А, қизел-культиваторлари билан ўғитилганда ва обдон юмшатилади, сўнгра изма-из 2-3 марта борона ва мола босилади. Қизел-культиваторнинг ишчи органлари бу ерда ҳам поғонасимон ўрнатилади ҳамда у бороналар ёки мола билан бирга ишлатила-ди.

Дехқонлар экиш мавсуми олдидан ўтказа-диган ана бир муҳим табдир – ерларни жор-ий текислаш. Агар ер қафтдек текис бўлса, уруғ бир хил чўқурликка тушиб, униб чиқи-

ши, ўсиб ривожланиши, ҳуллас, пишиб ети-лиши ҳам бир маромда, баробар бўлади. Бу сувни тежааш, ишлов беришни осонлашти-рибгина қолмай ҳосилдорлики 5-8 центне-рга кўтаради. Чигит нотекис майдонга қадал-ганда эса бунинг акси кузатилади. Шунинг учун дехқонлар ерларни қўламағи экиш мав-сумига тайёрлашда ҳар бир табдирини оби-тобида, сифатли бажаришга уринадилар. Ушбу айтилган табдирларни яқунладингизми, унда сиз чигит қадашга тайёрсиз.

Дарвоқе, чигит қадашининг ҳам бир-икки шарти бор. Яъни, чигит энг аввало тез қизий-диган енгил тупроқларга, кейин ўрта ва оғир тупроқли ерларга экилгани маъқул. Экин-ти-кин ишларига ҳар бир ҳудуднинг иқлим ша-роитидан келиб чиққан ҳолда апрелнинг даст-



лабки кунларида киририлиб, 8-10 иш куни-да тугаллаш лозим. Аслида эртапишар пахта етиштиришнинг асосий талабларидан бири чигитни энг қулай муддатларда экиб, уни ернинг табиий нами билан бир текис унди-риб олишдан иборат. Кези келганда айтиш керак, тупроқнинг 10 см чўқурликдаги ҳаро-рати ўртача 12 даража бўлганда туқли чигит-ларни, 14 даража бўлганда эса туқсиланти-рилган чигитларни экишга киришилиш лозим. Уруғлик сарфи чигит туқсилантирилган бўлса, гектарига 25-30 кг, туқли чигит 60 ки-лограммдан ошмаслиги шарт. Чигит экиш пайтида уруғнинг бир хил чўқурликка туши-ши, қаторларнинг тўғри чиқиши, тушганган қаторларнинг орасидаги масофанинг бир хил бўлишига алоҳида аҳамият берилиши зарур.

Яна бир ғал. Одатда пушта олинган май-донларда пушта олинмаган майдонларга нис-батан тупроқнинг ҳарорати 3-3,5 даража юқори бўлади. Бу чигитни ўртача 7-10 кун олдин экиш имконини беради. Шунингдек, ҳосилдорлик ҳар гектар майдон ҳисобига 4-6 центнерга ошади. Муҳими, пахтанинг 8-10 кун олдин этилишини таъминлайди. Хуллас, қўламағи экиш мавсумига тавсиялар қисқача мана шулар. Аслида-ку қўлни қўрган дехқон-ларга ақл ўргатиш ноўрин. Улар, аввало, ўзла-рининг кўп йиллик тажрибаларига суянади. Лекин унга илм-фан ютуқлари омикта бўлга-нига нима етсин?

Жамол АХМЕДОВ,
Феруза ХАСАНОВА,
қишлоқ хўжалик фанлари номзодлари.

Янгиликлар

Сертификат берилди

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар жадал олиб борилаётти. Бу жараён Навоий вило-ятида ҳам ўз самараси-ни кўрсатаётти. Яқинда “Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашма-сига қувончли хабар кел-ди.

“Сифат” Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази ва “Ўзпахтасаноат” уюшмаси 2004 йил пахта ҳосилини қайта ишлаш яқу-ни бўйича юқори сифат кўрсаткичларига эришгани учун вилоят толачиларини диплом ва кубок билан тақ-дирлади.

Бирлашмага қарашли кор-хоналарни янги техника ва технологиялар билан жиҳоз-лаш, ишда масъулият ва сиф-фатта эътибор қаратиш сама-дорликка эришиш имкони-ни бермоқда.

Ўтган йилнинг охирида уруғлик чигитни автоматик тарзда дориллаш ускуналари ўрнатилди. Испаниядан келти-рилган бу дастгоҳлар дехқ-онлар мушкулини осон эта-япти. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энлақар эса туқ-ли чигитларни дориллашга имкон яратаяпти.

«Нарпай»да минибанк

Қармана туманидаги “Нарпай” ширкат хўжа-лиги ўз тугатилиб, унинг ўрнига юзга яқин фер-мер хўжалиги фаолияти-ни бошлаб юборди.

Пахтачилик ва ғаллачилик-ка иктисослашган бу фермер-лар баҳорни эўр иштиёқ бил-лан кутиб олдилар. Улар экин майдонларини маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озик-лантирмоқдалар. Мулкдор-ларга инфратузилма хизмати кўрсатиш жараёнида ҳам хайр-ли ишга қўл урилди. “Пахта Банк”нинг туман бўлими янги миқозларга яхши хиз-мат кўрсатиш мақсадида ми-нибанк ташкил қилди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
“Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.



ган намат ташланади. У ис-сикхона ҳароратини тунда бир мейёрда ушлаб турар экан. Хуллас, Хитойнинг ушбу технологияси асосида ҳозир помидор, бодринг, бўлғор қалампир ва бақлаҳон пи-шиб етилади.

Мақола сўнггида Ўзбекис-тон сабзавот, полиз экила-ри ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти лабора-тория мудири Екатерина Ляннинг мавзуга дахлдор қўйидаги мулоҳазаларини беришни жоиз билдик:

– Бугунги кунда Ўзбекис-тонда 600 гектар ойнаванд-ли, 3000 гектар плёнкали ис-сикхоналар мавжуд. Агар плёнкали иссикхоналар ҳар йили ўрта ҳисобда юз ге-ктарга қўнаётганини ҳисоб-га олсак, республикамиз киш фаслида помидор, бодринг каби ноз-неъмат махсулот-лари билан ўз аҳолисини таъминлабгина қолмай, бал-ки бир қисмини хорижий давлатларга экспорт қилиш имкониятига ҳам эга.

Лекин, шуни рўй-рост ай-тиш керакки, иссикхона хўжаликларидида ҳосилдорлик жуда паст бўлиб, ўртача 1 квадрат метр майдондан икки экишда бор-йўғи 7 ки-лограммдан ҳосил олинапти, холос. Бунинг асосий саба-би: тупроқ унумдорлигининг пастлиги, ерда ўсимлик ри-

вожи учун зарур бўлган орга-ник моддалар миқдорининг етишмаслиги, ҳосил зарарку-нандаларнинг қўнаиб бора-ётганлиги ва, шунингдек, тупроқ шўрланганлигидир.

Ҳосилдорлигининг пастли-гига ана бир сабаб, иссикхо-на хўжаликларидида қурилиш ишлари сифатининг пастли-ги, бунинг оқибатида иссик-хона ва парникларда опти-мал иссиклик ва намликни сақлаб туриш имконияти бўлмаётганлигидир. Исси-кхоналарда етарли иқлимни яратиш учун уларни ёқилги ресурсларига сароб жоилар-да бунёд этиш тавсия этила-ди. Бу ўринда Сирдарё ГРЭ-Сидан иссиклик олиб, яхши натижаларга эришавтган “Синдоробод”, Қиёрайдаги “Лимончилик” иссикхона хўжаликларини айтиб ўтиш жоиз. Республикаимизнинг Газли, Олмалик шаҳарлари-даги саноат корхоналарига қарашли иссикхоналардан мўл, сифатли ҳосил олина-ётганлиги ҳам бежиз эмас.

Иссиқлиқни тежааш, етар-ли ҳарорат ва намликни сақ-лаш мақсадида иссикхона-ларда помидор уруғларини январ ойида, февралнинг биринчи ўн кунлигиде, бод-рингни эса феврал ойида экиш мақсадага мувофиқдир.

С.РАҲМОНОВ

Мушоира этади давом...

Марднинг боласини номарда буколмас...

Бекор

Ойга эргашсангу ерни кўрмасанг,
Манглайдан окувчи терни кўрмасанг,
Элдан олиб турсанг, элга бермасанг,
Юртнинг боласинан деганинг бекор.
Отанг обрўсига қаддингни кериб,
Юрсанг, хар юлдузми бенаврон уриб,
Ногоҳ қокилсанг кетмасанг туриб,
Марднинг боласинан деганинг бекор.
Бир чимдим аламага қаддингни буксанг,
Номард пойин ўлиб, унга тиз чўксанг,
Қизгалдоқ мисоли баргингни тўксанг,
Тоғнинг боласинан деганинг бекор.
Боланг бўлаб турса, кўзга илмасанг,
Онанг мотаминда йиғлай билмасанг,
Дарблар тўлсаю бир сен тўлмасанг,
Қалбнинг ноласинан деганинг бекор.
Кўкдаги хар булут жола тўқолмас,
Марднинг боласини номард буколмас,
Махмуд, агар сени элинг тан олмас,
Элнинг боласинан деганинг бекор.

Тош

Мен тошларда ранг кўрдим,
Устасин фаранг кўрдим,
Бир қўшиқ-жаранг кўрдим,
Тошча дилинг йўқми, айт?
Кизил тош қиздай гўзал,
Кўк тош ўқийди газал,
Тошлар ҳам биздан афзал,
Тошча тилинг йўқми, айт?
Оқ тош оппоқ хайлми,
Сузда ётган хилолми,
Бир ширин сўз малолми,
Мейдек қўлинг кўпми, айт?
Сузда ётган тош сулув,
Сендек каро қош сулув,
Эркалайди тошни сув,
Сувча қўлинг йўқми, айт?
Мен тошларда ранг кўрдим,
Оқибат, оҳанг кўрдим,
Пешонамга бир урдим,
Махмуд, шўринг кўпми, айт?

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Яшаш ширин

Яшаш қийин, дўстинг қулиб,
Ёнинг ёғин ялаб турса,
Ёлар эмас, туғишганлар
Ёти пуштинг талаб турса.
Яшаш қийин, ит итлигин
Даста гулга ўраб турса,
Тонгда эшик очган қўшини,
Қоқилишинг сураб турса.
Яшаш ширин, бир гунчанинг
Гул бўлганин қўриб турсанг.
Оломонга инсоф бериб,
Эл бўлганин қўриб турсанг.
Яшаш ширин, бир Беморга
Доридан қўш дармон бўлсанг.
Бахтдан тўйган бахтиерга,
Олдда турган дармон бўлсанг.
Яшаш яхши, бошинг етмай
Тупрок тутган болшиларга,
Нукта қўиб улгуролсанг,
Бу дунёдан нолшиларга.

Кўрган борми?

Ким учириб юборса
Қўлидаги қўшини,
Овчилардан орланмай,
Сувга айтсин тушини.
Йиғлаб келиб дунёга
Бўлаб кетган зотлар кўп,
Чиданганг чикарган
Бу дунёнинг ишини.
Ўтиннинг умри қисқа,
Мўл юрса қаловгача,
Кўпчиб турган хамир ҳам,
Боргайди оловгача.
Омбир билан олдирар
Одам оғрик тишини,
Чиданганг чикарган
Бу дунёнинг ишини.

Ким бошга ётиқ қилар
Вихдон сотиб пулини,
Айб ундамас, ёронлар,
Шайтон олган хушини,
Чиданганг чикарган
Бу дунёнинг ишини.

Онам дейди: - Сенга ҳеч
Насихат қор қилмайди,
Онасин ерга қўйиб,
Бўламаган билмайди.
Кеч очилган кўзининг
Ким артади бешини,
Чиданганг чикарган
Бу дунёнинг ишини.

Атиргўлнинг тикони
Бекор тилмас қўлингни,
Гулзорга кирмоқ бўлсанг,
Поклаб олган дилингни.

Кўрган борми айтинлар,
Ўз кўнглининг қулини,

“Садоқат”

Пойтахтимиздаги Киночилар уйида яна бир янги бадий фильм тақдироти ўтказилди. “Садоқат” деб номланган ушбу фильм ижодкорлари азаллий тушунчалар бўлган садоқат, жиҳнатни бугунги ёшлар ҳаётидан берилган айрим лавҳалар орқали бадий талқин қилишга ҳаракат қилишган. Фильм бош қаҳрамонларидан Ахил (хонанда Абдували Ражабов) ва Раёно (Муборак Ашурова) ўртасидаги севгига улар оила-сиди тафовутлар монелик қилади. Бойбучча она камбағал, бунинг устига “ғирт етим”га қизини раво кўрмайди. Шу мавзу ривожда бошқа мавзулар – ака-сингил, яқин дўст, ота-она ва фарзандлар, қариндошлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳаёт синовларида қандай кечиши, бир-бирига нисбатан садоқатли бўлишлари ёки жиҳнат қилишлари турли эпизодлар, воқеалар тасвирида намойён бўла боради.

“Шайхонтохурфильм” студиясида суратга олинган ушбу фильмга унинг сценарий муаллифи Гайбулла Раззоқов режиссерлик қилган. Фильмда ижодкорлар тўқнашувли тасвирларни бериш орқали томошабин эъти-

борини тортишга интилган ва бу тўқнашувлар мазмуни, хар ҳолда, бир қадар ҳаётий чиққанлигини эътироф этиш жоиз. Шунингдек, гарчи иккинчи даражали ролларни ижро этишган бўлишса-да, профессионал актёрлар талқинидаги образлар ишонарли қўққанлиги кузатилади.

Тақдирот

Афсуски, фильмнинг суратга олиш, монтаж қилиш жараёнида айрим техник жиҳатлар бироз эътибордан четда қолган. Намойиш давомида томошабин гоҳ кинофильм, гоҳ видеофильм тасвирларини кўраётгандай бўлади (афтидан, фильм икки хил апаратда суратга туширилган, шекилли), бу эпизодларнинг бир-бирига уланishiда ҳам озми-кўпми сезилади. Шунингдек, фильмда қўшиқлар сони фильм мазмунига тақозо этган мейврдан кўпроқ ва аксарияти зарурат бўлмаган тарзда тўлигинча ижро этилганлиги, улар деярли клинга ўхшаб қолганлиги муҳлисини кино мазмунидан анчайин қалғитиб қўйган, дейиш мумкин.

Шундай бўлса-да, “Садоқат” ёшларни қизиқтирадиган эпизодлари, воқеалар тасвири билан ёш муҳлисини озми-кўпми жалб қила олади.

Д.МАТКАРИМОВА

Қўшрабортга – кўпкарига марҳамат!

Одамлар! Ҳо-о, одамлар! Богда пишган бодомлар! Эшитмадм деманлар! Эшитганлар дармонда, эшитмаганлар армонда қолманлар!

Қўшраборт туманининг Қўшғоч қишлоғи – қир-адирлик бағридаги кенг майдонда хар йилгидек 21 март – Наврўз куни анъанавий кўпкари мусобақаси ва Наврўз сайли бўлиб ўтади. Ушбу кўпкарига ва сайлга республикамизнинг барча жойларидан пахлавон чавандозлари, спорт орти қибозларини, томошалаб бўлган инсонларни, барча-барчани таклиф этамиз.

Кўпкари мусобақасида хар доимгидек, хорижий мамлакатлардан келган сайёҳлар, турли қўшма корхоналардан вакиллар иштирок этишади.

Кўпкарида иштирок этиб, улоқ совринида голиб бўлганлар ҳоимийлар томонидан муносиб рағбатлантирилади. Хуллас, чавандозман, полвонман, деб кўкгайга урган зот борки, Қўшрабортга – кўпкари мусобақасига келаверсин!

Қўшраборт туман ҳокимлиги қошидаги таъкилий кўмита



Тегишли давлат “AVTOTRAK”® илмий-ишлаб чиқариш маркази патентларига эга

1 ЗИЛ, ГАЗ, ПАЗ, КАВЗ, УАЗ, “ВОЛГА”... автомобилларига ДИЗЕЛЛАР ўРНАТАДИ.

2 Д-243 (МТЗ), Д-65 (ЮМЗ), А-01 (“Алтай”), “Камминз”, “Авиа”, ЗИЛ-130, ЗИЛ-4331...дизелларга эҳтиёт қисмларини сотади

3 Автомобилларга мослаштирилган Д-243 (245) дизели ва Д-243 дизели ёки буюртмага кўра газда ишлайдиган двигател ўрнатилган КС-2561 (ЗИЛ-130) автокран.

Фермерларни, МТП раҳбарларини ва бошқаларни ҳамкорликка таклиф этамиз!

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Марайимов кўчаси 5-уйда жойлашган “РАХТАГИН КВ” ОАЖ акцияларининг 28013 донаси (34,99 фоиз) “Ўзпахтасаноат” уюшмаси (17519 донаси, 21,88 фоиз), “Пахта тозалаш” ИИЧБ ОАЖ томонидан сотиб олиниши билдирилади.

Ўзбекско-Турецкое СП “ALUMINIUM SYSTEMS”, в форме ООО преобразуется в Иностранное Предприятие “ALUMINIUM SYSTEMS”, в форме общества с ограниченной ответственностью. Претензии принимаются в течении 1 месяца со дня опубликования объявления по адресу г.Ташкент, Мирабадский район, ул.Авлив ота, дом 61.

Иностранное предприятие “CAMAL BARAKAT TRADING LTD” Шайхантахурского района г.Ташкента извещает об уменьшении Уставного фонда с 220973 долларов США до 109120 долларов США.

Утерянная круглая печать и угловой штамп, выданный на ЧП “Хамидов Ахмаджон Азизжонович” Шайхантахурского района г.Ташкента, считать недействительным.

Бош муҳаррир
Ўткир РАҲМАТ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекс тарихидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибхона – 133-95-17, Реклама ва эълонлар – 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс – 133-44-43, 133-40-87

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба (“Ҳаёт”-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-517, ҳажми 2 босма табак.

Офсет усулида босилди, қозғоқ бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади - 17780

Газета тахририятнинг ўзига компьютерда терилди ва сақланган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

SPORT OLAMIDA

Дунё полвонлари Тошкентда беллашди

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт мажмуида эркин кураш бўйича “Golden Grand Prix” туркумидаги бахсларда Россия, АКШ, Болгария, Украина, Япония, Белоруссия, Грузия, Тожикистон сингари жаҳоннинг ўн бешга яқин давлатларидан келган 120 дан ортиқ полвонлар голиблик учун кураш олиб борди. Унда мусобақа мезбони – Ўзбекистон терма жамоаси икки таркиб билан иштирок этди.

Турнирда ташриф буюрган барча терма жамоалар Тошкентга катта мақсадлар билан келганликлари намойиш этишди. Хар бир вазн тоифасида 3-4 нафардан жаҳон чемпионоларининг гиламга чиққанлиги бахсларнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминлади.

– Биз турнирда энг сара пол-

вонлар билан қатнашдик, – дейди Америка Қўшма Штатлари спорт делегацияси раҳбари Пол Киббел. – Ҳақда вакилларимиз ишончини оқлашди. Жумладан, Тошкент гиламларида ўз вази тоифаларида Самуэл Хансен (55


килограмм), Мухаммед Лавал (84 килограмм) – олтин, Майк Задик (60 килограмм), Крис Бонно (66 килограмм), Жо Уильямс (74 килограмм) кумуш, Жаред Лоренс (66 килограмм), Тони Томпсон (120 килограмм)лар бронза медалларига сазовор бўлишди.

Хар жиҳатдан юксак савияда ташкил этилган мусобақада вакилларимиз ҳам муносиб кураш олиб борди. Икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров (55 килограмм) – кумуш, Адхам Очи-

чи эканлигини исботлади. Қуръага қўра, Артур дастлабки босқичда яна бир вакилимиз Шуккур Мирзаевдан устун келганда. У финалгача бўлган бахсларда грузиялик Элдор Куртандидзе, украинлик Сергей Прядилларни мағлуб этиб, хал қилувчи ўрашувда Александр Модебадзе устидан ғалаба қозонди.

Мусобақа кунинда голиб ва совриндорлар 5000, 3000 ҳамда 1500 АКШ доллари миқдоридagi мукофотлар билан тақдирланди.

лов (55 килограмм), Абдул Амаев (84 килограмм)лар бронза медаллари билан тақдирланган бўлсалар, Сидней ва Афина Олимпиадалари чемпиони Артур Таймазов (120 килограмм) ўз вази тоифасида тенгсиз кураш-



Супероғир вазн тоифасида рейтинг жаңглирида иштирок этаётган жаҳоннинг Руслан Чагаев наватбаддаги «жаңи»да ҳам ғалаба қозонди. Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказилган бокс ўрашувинда Русланга украинлик Владимир Вирчич рақиб бўлди.

Иккала боксчи ҳам фаолияти давомида бирор марта мағлубиятга учрамаган. Шу боис ҳам улар кескин жанг олиб боришди. Руслан рақибни каби таваккалчиликка бормади, аксинча, тактик йўллар билан зарба беришга ҳаракат қилди. Ун икки раунд давом этган «мушлаташув»да икки ҳакамнинг ҳулосасига қўра, Руслан 116-112 ва 115-114 натижасида рақибидан устун келди. Учинчи ҳакам 114-114 ҳисобини кўрсатди.

Шундай қилиб, ўзининг 20-жангиди ғалаба қозongan Руслан Чагаев рейтинг очколари сонини ошириб олди.

Руслан яна голиб

Шумехер иккинчи Бахрайн трассасида “Формула-1” мусобақасининг бу йилги мавсуми бошланди.

Биринчи босқичда “Renault” жамоаси шарафини ҳимоя қилаётган амалдаги чемпион Фернандо Алонсо ғалаба қозонди. У етти карра жаҳон чемпиони Михаэл Шумахерни 1,5 секундга ортда қолдирди. Маррага учинчи бўлиб финляндиялик Кими Райкконен етиб келди.

Фазлиддин АБИЛОВ ва Эркин РАЖАБОВ тайёрлади.

Шумехер иккинчи

Бахрайн трассасида “Формула-1” мусобақасининг бу йилги мавсуми бошланди.

Биринчи босқичда “Renault” жамоаси шарафини ҳимоя қилаётган амалдаги чемпион Фернандо Алонсо ғалаба қозонди. У етти карра жаҳон чемпиони Михаэл Шумахерни 1,5 секундга ортда қолдирди. Маррага учинчи бўлиб финляндиялик Кими Райкконен етиб келди.

Фазлиддин АБИЛОВ ва Эркин РАЖАБОВ тайёрлади.

Пуркагичлар Керакми?

“Ўзқилиққошқолдинг” компанияси таркибидида “AGRICHIM” Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган олти хил – пахтачилик-боғдорчилик учун “VP-1” русумли пуркагич-чангиттич, шунингдек “Кариола-С-100”, “ОРПД-12/М”, “Аида”, “Леонора”, “Аусена” пуркагичларига “Ўзстандарт” агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан сақоиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланилапти.

Ғўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ҳавли-жойлардаги дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончи ҳимоя қилиш бўлсангиз, шу қулай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, паррандачилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жумладан парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрохимик хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.

Пуркагичларни маблаг ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.

Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй. Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30. Тел.: (998-71) 169-49-33, 169-49-44 (тел-факс), 169-35-46 (тел-факс)

e-mail: agrichim@mail.st.uz

ООО “DOYS” Учтепинского района г.Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 25839700 сум до 12839700 сум. Претензии принимаются в течении одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: Учтепинский район, массив Чиланзар-30, дом 4-А.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

Шиналар ва аккумуляторлар буюртма бўйича 30-35 кун ичида Украина ва Россиядан келтирилади.

Шиналарни comagu:

енгил машиналар учун, енгил юк ташувчи машиналар учун, оғир юк ташувчи машиналар учун, қишлоқ хўжалиги техникаси учун

Тел: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21

аккумуляторларни WESTA

Шиналар ва аккумуляторлар буюртма бўйича 30-35 кун ичида Украина ва Россиядан келтирилади.

Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:

Наманган ш., Дўстлик шоҳ кўчаси, 1-А уй. Тел: (3692) 24-56-60

Андижон ш., Мирпоштин к., 20-уй. Тел: (3742) 24-04-88

Дангара ш., Тошкент к., 74-уй. Тел: (37357) 2-19-06

Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел: (37622) 2-45-85.

Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй. Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30. Тел.: (998-71) 169-49-33, 169-49-44 (тел-факс), 169-35-46 (тел-факс)

e-mail: agrichim@mail.st.uz

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

Коркалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган – 8-369-41-234-23; Фарғона – 8-366-51-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

h-тижорат мақола

“Қишлоқ ҳаёти” материалларини қўчириб босиш факат тахририят рухсати билан амалга оширилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Наватчи: С. РАҲМОНОВ

Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОНОВ, А. САФОНОВ

Бош муҳаррир: Х. ТОШХУЖАЕВ